

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ТЕРЕНТЬЕВА ЕКАТЕРИНА ОЛЕГОВНА

**ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИГА МАНСУБ
БИРИКМАЛАРИНИНГ ЦИТОТОКСИК ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Терентьева Екатерина Олеговна

Тетрагидроизохинолин қаторига мансуб бирикмаларнинг
цитотоксик фаоллигини ўрганиш.....3

Терентьева Екатерина Олеговна

Изучение цитотоксической активности соединений
тетрагидроизохинолинового ряда.....23

Terenteva Ekaterina Olegovna

Study of cytotoxic activity of tetrahydroisoquinoline compounds.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....46

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ТЕРЕНТЬЕВА ЕКАТЕРИНА ОЛЕГОВНА

**ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИН ҚАТОРИГА МАНСУБ
БИРИКМАЛАРИНИНГ ЦИТОТОКСИК ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4. PhD /В130 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Азимова Шахноз Садыковна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Далимова Сурайё Нугмановна**
биология фанлари доктори, профессор

Саитмуратова Угилжан Худайбергеновна
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.:262-35-40, факс: (99871) 262-70-63

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатларга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.:262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Салихов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И. Асраров
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
котиби, б.ф.д., профессор

Ш.У. Турдикулова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий тиббиёт ва фармакологиянинг долзарб муаммоларидан бири хавfli ўсмаларга қарши янги бирикмаларни излашдан иборат. Ҳозирги вақтда экспериментал ва клиник онкологияда саратон касалликларини даволаш учун канцеролитик ва ўсмага қарши кенг турдаги препаратлар мавжуд, уларнинг кўпчилиги учун аҳамиятли бўлган камчилик соғлом тўқималар ва тана аъзолари учун юқори заҳарли эканлигидир. Инфекция кўзгатувчиларининг мавжуд микробга қарши дори воситаларига нисбатан чидамлилигининг ортиб бораётганлиги янги антибактериал ва замбуруғларга қарши бирикмаларни аниқлашни тақозо этади.

Бугунги кунда дунё миқёсида изохинолин қатори алкалоидлари ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг биологик фаолликлари интенсив тарзда тадқиқ этилиб, уларнинг кенг кўламли физиологик хусусиятлари, жумладан цитотоксик ва антибактериал хоссаларининг аниқланишига олиб келди. Тетрагидроизохинолиннинг турли ҳосилалари глиома, кўкрак саратони, бачадон бўйни ва йўғон ичак хавfli ўсмалари, лейкозларга қарши фаоллик намоён этиб, ўсма ҳужайраларининг дори воситаларига нисбатан кўплаб резистентлигини енгиб ўтади. Изохинолин қаторига мансуб бирикмаларнинг грам-мусбат ва грам-манфий бактерия штамmlарига нисбатан юқори антибактериал фаоллик намоён этиши келтириб ўтилган.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда маҳаллий хом-ашё асосида импорт ўрнини босувчи янги доривор воситалар яратиш ҳамда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, бу соҳада аҳолини арзон ҳамда сифатли дори воситалари билан таъминлашда муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 - йўналишида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, тиббиёт муассасалари ва аҳолини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ўсма ҳужайраларига қарши цитотоксик ва антимиқроб фаолликка эга янги бирикмаларни аниқлаш келгусида самарали онкологик ва микробга қарши дори воситаларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Президент Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий изохинолинлар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг цитотоксик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар Франция, Япония ва бошқа давлатлар тадқиқотчилари томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, Миср онкологлари томонидан мия ўсимтасининг агрессив шакли – глиобластомаларга нисбатан ўсмага қарши хусусият намоён этадиган тетрагидроизохинолинлар аниқланган (Patil R). Франциялик тадқиқотчилар томонидан кўпчилик изохинолин бирикмалари саратон хужайралари ДНК репарациясига таъсир ўтказиши аниқланган (D.J. Mabire, J.E. Guillemont). Муаллифлар полиаденозиндифосфорибоза-полимераза ингибирловчи изохинолин ва дигидроизохинолинларнинг кенг спектрини келтириб ўтишган. Ушбу фермент фаоллигини сусайтириш ДНК икки ипли ажралишининг репарацияси бўйича дефектли саратон хужайраларининг ўлимига олиб келади. Хитойнинг Нанкин шаҳри Фармацевтика университети олимлари томонидан ўсма хужайраларининг дори воситаларига нисбатан резистентлигини бартараф этадиган тетрагидроизохинолинлар олинган (Fang W.).

МДХ давлатларида Карцев В.Г. ва ходимлари томонидан бачадон бўйни карциномасига нисбатан яққол ифодаланган цитостатик хусусият намоён этувчи макролид изохинолин алкалоидлари аниқланган. Лапа Г.Б. ва б.3-бензоиламин-6,7-диметокси-1-метилизохинолин ҳосилаларининг CaOV тухумдон карциномасига нисбатан цитотоксик фаоллигини баён этишди. Бугунги кунда 6,9-бис(2-аминоэтиламин)бензоизохинолин-5,10-дион изохинолин ҳосиласи асосида ўсмага қарши Pixuvri (Cell Therapeutics, США) савдо маркаси асосида ишлаб чиқарилувчи, тажрибавий Пиксантрон препарати яратилган бўлиб, юрак тўқимасига унчалик кучли бўлмаган токсик таъсир намоён этади. Пиксантроннинг цитотоксик фаоллиги механизми асосида топоизомераза II ни ингибирлаш ва ДНК интеркаляцияси ётади (www.drugbank.ca).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА–Ф6–Т198 «Биологик фаол моддаларни хужайра метаболизмига таъсирини ўрганиш» (2012–2016) ва ВА-ФА-Ф-6-009 «Табиий бирикмалар ва уларни синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш» мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади синтетик алкалоидлар ва 1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ҳосилалари орасидан саратон хужайралари ўсиниши тўхтадиган ва соғлом хужайраларга нисбатан кам заҳарли бўлган, шунингдек микробга қарши фаолликка эга бирикмаларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1,2,3,4-тетрагидроизохинолин моно- ва бимолекуляр ҳосилаларининг, изохинолинлар ва дигидрокверцетин асосидаги конъюгатларнинг цитотоксик фаоллигини *in vitro* шароитида аниқлаш;

1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан тетрагидроизохинолинининг ўткир токсиклигини *in vivo* шароитида тадқиқ этиш;

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг антибактериал ва замбуруғларга қарши фаоллигини *in vitro* шароитида тадқиқ этиш;

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг гипоосмотик стрессдаги хужайра ҳажмининг тикланиши кинетикасига таъсирини тадқиқ этиш;

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар таъсирида хужайра нобуд бўлишининг типини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бачадон бўйни эпителиал карциномаси (HeLa), сут беши аденокарциномаси (HBL-100), ҳалқум аденокарциномаси (HEp-2), тери меланомаси (КМЛ), Т-лимфобластли лейкемия (CCRF-CEM) кўпайтириладиган хужайралари; фибробластлар, гепатоцитлар хужайраларининг бирламчи культуралари, тимоцитлар суспензияси; грам-позитив (*Bacillus subtilis* ва *Staphylococcus aureus*) ва грам-негатив (*Pseudomonas aeruginosa* ва *Escherichia coli*) бактерияларнинг штаммлари ва *Candida albicans* замбуруғи; моно- ва бимолекуляр 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар, изохинолин ва дигидрокверцетиннинг конъюгатлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши ва метаболик фаолликлари, ўткир заҳарлилиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда биоорганик кимё (оксилларни миқдор ва сифат жиҳатидан аниқлаш, спектрофотометрия усуллари), хужайра биологияси ва муҳандислиги (бирламчи хужайра культураларини олиш), биокимё (МТТ-тест, трипан кўки билан бўйаш, ЛДГ-тест, МДА миқдорини аниқлаш), биофизика (РУО) услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор моно- ва бимолекуляр 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг *in vitro* шароитида цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши фаолликлари аниқланган;

бирикмаларнинг цитотоксик фаоллиги намоён бўлиши учун тегишли функционал-аҳамиятли гуруҳлар аниқланган;

бирикмаларнинг хужайра ҳажмининг регулятор камайиши кинетикасига таъсири аниқланган;

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг цитотоксик фаоллиги апоптоз оксидланишли стресс ва хужайра мембрана бутунлигининг бузилиши билан эмас, балки хужайрани апоптоз йўли орқали nobуд қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рак хужайраларига нисбатан юқори ингибиторлик хусусиятли ва соғлом хужайраларга нисбатан кам захарли бўлган бирикмалар топилган;

бирикмаларнинг ўртача-токсик дозалари аниқланган;

грам-позитив ва грам-негатив бактерия штамmlари ва замбуруғга қарши яққол антимиқроб эффект намоён этадиган бирикмалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий биокимё ва молекуляр-биология усулларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Натижалар замонавий аналитик ва статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Бунинг тасдиғи сифатида мутахассислар томонидан эксперт хулосалари, ҳамда республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокамадан ўтганлиги, рецензия қилинувчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ва олинган патентлар хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг кимёвий тузилиши ва уларнинг цитотоксик фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик уларнинг биологик фаоллигини ва канцеролитик таъсир механизмини прогнозлаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тетрагидроизохинолинларнинг аниқланган цитотоксик фаоллиги соғлом хужайраларга нисбатан кам захарли бўлганлиги сабабли ўсмага қарши препаратларнинг фаол компоненти сифатида фойдаланиш имкониятини беришида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг цитотоксик фаоллиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

селектив цитотоксик фаолликка эга булган 1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05683, 2018 й.). Натижада ушбу бирикманинг тиббиётда ўсмага қарши восита сифатида фойдаланиш имконияти яратилган;

селектив цитотоксик фаолликка эга булган 1-(3',4'-метилendioксифенил)-2-метил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05664, 2018 й.). Натижада мазкур бирикмалардан тиббиётда ўсмага қарши восита сифатида фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8та, жумладан, 5таси Республика ва 3таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тетрагидроизохинолин қаторига мансуб бирикмаларнинг цитотоксик фаоллигини тадқиқ этиш**» деб номланган биринчи бобида ўсимлик, ҳайвон ва микроб табиатли организмларнинг маҳсулотлари орасидан канцеролитик бирикмаларни излаш, уларнинг зарарловчи таъсир механизмлари ва цитотоксик фаолликни ўрганиш юзасидан тажриба моделлари ҳақида хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар шарҳи батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Ишда қўлланилган материаллар, шароитлар ва биоорганик кимё ва хужайра биологиясининг усуллари**» деб номланган иккинчи бобида турли биологик фаолликларни аниқлаш учун фойдаланилган материал ва усулларнинг тавсифи баён этилган тажриба қисми келтирилган.


Диссертациянинг учинчи боби «**Тетрагидроизохинолин қаторига мансуб бирикмаларнинг цитотоксик фаоллигини тадқиқ этиш**» га бағишланган. Бобда моно- ва бимолекуляр 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг цитотоксик, антибактериал ва замбуруғларга қарши, антиоксидант фаолликлари ва кимёвий тузилиш-функционал боғлиқлигини тадқиқ этиш жараёнида олинган шахсий натижалар келтирилган.

Тадқиқотларда РФА Цитология институти хужайра культураси банкидан олинган бачадон бўйни эпителиал карциномаси (HeLa), сут беzi аденокарциномаси (HBL-100), ҳалқум аденокарциномаси (HEp-2), ЎзРФА Биоорганик кимё институти томонидан тақдим этилган тери меланомаси (КМЛ), Ҳайдельберг Университети (Германия) коллекциясидан Т-лимфобластли лейкомия (CCRF-CEM) хужайралари, шунингдек тери хужайралари – фибробластлар, гепатоцит хужайраларининг бирламчи культуралари ва тимоцит суспензиясидан фойдаланилган.

Цитотоксик фаолликни аниқлаш учун МТТ-тест ва трипан кўки билан бўяш усулидан фойдаланилган. Қиёслаш эталони сифатида цисплатин (Fresenius Kabi, Ҳиндистон) ўсмага қарши препаратидан фойдаланилган.

Криптостилинлар ва сальсолидин алкалоидлари синтетик ҳосилаларининг цитотоксик фаоллигини тадқиқ этиши

Тетрагидроизохинолиннинг моноҳосилалари (ТГИХ) ЎЗР ФА ЎМКИ алкалоидлар кимёси ходими Ш.Н. Жўракулов томонидан к.ф.н. В.И.Виноградова раҳбарлиги остида синтез қилинган (1-расмга қаранг).




1-расм. Тетрагидроизохинолинларнинг (ТГИХ) кимёвий тузилиши.

Тадқиқ этилган моддаларнинг рақ хужайралари ўсишини тўхтатиши ва кимёвий тузилиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш жараёнида тетрагидроизохинолин моноҳосилаларининг орасида С-1 (**1a**) ҳолатида ҳеч қандай ўринбосарнинг бўлмаслиги унчалик катта бўлмаган ингибирловчи фаоллик юзага чиқишига сабаб бўлиши аниқланди (1-расмга қаранг). С-1 (**1b**) ҳолатига гексил (CH₂)₅CH₃ гуруҳини киритиш деярли барча ўрганилаётган рақ хужайраларига нисбатан цитотоксиклини кескин ортишига сабаб бўлади. Шунинг билан бирга (CH₂)₅CH₃- гуруҳини бензол ҳалқасига (**2a**) алмаштирилиши бирикмаларнинг ингибирловчи эффеқтини дастлабки молекула (**1a**) каби бўлишига олиб келади.

Метилендиокси- гуруҳини С бензол ҳалқасига галогенлар билан киритилиши ТГИХ (**2e**, **2d**) цитотоксик хусусиятларининг ортишига сабабчи бўлади.

Бу ерда галогеннинг табиати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, **2d**, **2e** ва ТГИХ **1b** бирикмаларининг таъсирига энг юқори сезгирликни Т-лимфобластли лейкомиялинияси кўрсатди: 1 мкг/мл концентрацияда ССRF-СЕМ хужайраларининг ўсишини тўхтатиш даражаси 70,5±2,3%, 57,1±2,3% ва 68,1±2,0%ни ташкил этиб, қиёслаш препарати цисплатин даражасида - 63,0±2,4% эканлиги аниқланди (2-расмга қаранг). Худди мана шу шароитларда ТГИХ **1b** ва **2e** фибробластларда цисплатинга солиштирилганда

2-3 марта кам ингибирловчи фаоллик намоён этган ҳолда, **2d** ҳосиласи тери соғлом хужайраларига нисбатан мутлақо захарли эмаслиги аниқланди. **2d** ва **2e** ҳосилаларининг яққол ифодаланган цитотоксик фаоллигини HeLa бачадон бўйни эпителиал карциномаси хужайралари (ўсишни тўхтатиши $41,6 \pm 1,1\%$ ва $46,1 \pm 0,8\%$) ва HEP-2 ҳалқум аденокарциномаси хужайраларида (ўсишни тўхтатиши $33,6 \pm 2,0\%$ ва $52,4 \pm 2,2\%$) кузатилди.



2-расм. 1,2,3,4-тетрагидроизохинолин моноҳосилаларининг 1 мкг/мл концентрациядаги цитотоксик фаоллигини қиёсий баҳолаш ($M \pm m$, $n = 9$, $P < 0,05$)


Бунда мазкур бирикмаларнинг гепатоцитларни ингибирловчи эффекти юзага чиқмаган ҳолда, референс препарат цисплатин жигарнинг нормал хужайраларини $33,7 \pm 0,6\%$ га нобуд қилиши намоён бўлди.

А ҳалқадаги (**2g-2j**) икки метоксил радикалларни метилендиокси-гуруҳларига алмаштириш бензолли С ҳалқада метилендиоксилли ўринбосар ёки галогенлар бўлишидан қатъий назар ТГИХ цитотоксик хоссаларининг буткул йўқолишига олиб келади. Шунингдек, ингибирловчи эффект пиперанилни А ҳалқага, диметокси- гуруҳларни С (**2f**) ҳалқага кўчирилганда ҳам намоён бўлмайди (1-расмга қаранг).

Молекулани N-алкиллашда ҳам қизиқарли натижа олинди. CH_3 радикали мавжуд бўлганда диметокси-гуруҳлари ТГИХни цитотоксик фаолликдан маҳрум қилади (**3a**), шу билан бирга А ҳалқада (**3b**) икки метоксил гуруҳ сақланиб қолиши баробарида пиперанил ўринбосари модданинг ҳалқум карцинома хужайраларига нисбатан танлаб таъсир этиш қобилиятини юзага чиқаради.



N атомида (**4a-4d**) гидроксизтил $\text{CH}_2\text{-CH}_2\text{-OH}$ ўринбосарининг мавжуд бўлган ҳолатида галоген ва бошқа функционал радикалларнинг мавжудлигидан қатъий назар ингибирловчи хусусиятлар кузатилмади.

Мана шу асосда цитотоксик фаолликни юзага чиқиши учун зарур шартлар қуйидагилардан иборат: А ҳалқада 2 метоксил ўринбосарнинг мавжудлиги, эркин N атоми, метилендиокси- гуруҳли бензол ҳалқаси ва С-1 ҳолатда галоген ёки гидрофоб гуруҳларининг мавжудлигидир.



Дигидрокверцетин билан синтетик комплексларнинг цитотоксик фаоллигини тадқиқ этиш

1-арилтетрагидроизохинолинлар ва уларнинг аминлари, шунингдек сальсолидин ва псевдоэфедрин алкалоидлари, ҳамда дигидрокверцетин (ДГК) асосидаги конъюгатлар ЎМКИ алкалоидлар кимёси лабораториясида Ш.Н. Жўракулов ва В.И. Виноградова томонидан олинган.



3-расм. Изохинолинлар ва ДГК асосидаги конъюгатларнинг кимёвий тузилиши


ДГК асосидаги синтетик комплексларнинг цитотоксик фаоллигини тадқиқ этиш жараёнида, келтирилган бирикмаларнинг биронтаси ҳам цитотоксик фаоллик намён этмаслиги, аксинча уларнинг баъзилари рақ хужайраларининг яққол пролиферациясини чақирши кўрсатиб берилди (4-расмга қаранг).

Жумладан, энг катта пролифератив фаолликни гомопиперанилни ДГК билан конъюгирлаш асосида олинган **5b** намуна НЕР-2 хужайраларида кўрсатди: 10 ва 1 мкг/млга мувофиқ 184,1 ва 148,7%.

Шунинг билан бирга айрим компонентларнинг аралашмаси уларнинг синтетик комплексларидан фарқли равишда рақ хужайраларининг ўсишини тўхтатиши ёки пролиферациясини чақиршига таъсир этмаслиги аниқланди.

Мана шу асосда алкалоидлар ва аминларни дигидрокверцетин билан кимёвий боғлаш моддаларнинг (**2b** ва **2c**) цитотоксик хусусиятларининг


бутунлай йўқолишига, баъзи ҳолларда эса рак ҳужайраларининг юқори пролифератив фаоллигига сабаб бўлади.



4-расм. Рак ҳужайраларига (HEp-2, %, $M \pm m$, $n=9$) нисбатан конъюгатларнинг фаоллиги ва конъюгатлар таркибига кирувчи компонентларнинг қўшма таъсири.

1,4-бис(6,7-диметокси- ва 1,4-бис(6,7-метилендиокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил)алканларнинг цитотоксик фаоллигини ўрганиш.

Бимолекуляр тетрагидроизохинолинларнинг (Саидов А.Ш., Виноградова В.И.) тадқиқ этиш натижалари 6 ва 7-расмларда келтирилган.




5-расм. 1,4-бис(6,7-диметокси-ва 1,4-бис(6,7-метилендиокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил)алканларнинг кимёвий тузилиши.

Бис-бирикмалар тетрагидроизохинолин моноҳосилаларига қараганда кўпроқ цитотоксик эффект намоён этишди (6-расмга қаранг).

Энг юқори фаолликни **6e** ва **6f** намуналари кўрсатишди: бирикмалар 10 мкг/мл концентрацияда барча рак ҳужайраларининг 95-100%га нобуд бўлишини чақиради.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу ҳосилаларнинг концентрацияси 10 мартага камайтирилганда улар Т-лимфобластли лейкомия ССRF-СЕМ ҳужайраларига нисбатан юқори $83,0 \pm 1,6$ ва $93,1 \pm 2,4\%$ фаолликни сақлаб қолишди, бунда уларнинг нормал ҳужайраларга нисбатан токсиклиги назорат


намунага қараганда бир неча баробарга, цисплатинга нисбатан эса 2 марта паст эканлиги намоён бўлди (6-расмга қаранг).



6-расм. Бимолекуляр 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг 1 мкг/мл концентрациядаги цитотоксик фаоллиги ($M \pm m, n = 9, P < 0,05$)

Изохинолин **6c** томонидан бачадон бўйни карциномасига нисбатан танлаб ингибирловчи эффект намоён бўлди (HeLa хужайраларининг нобуд бўлиши $44,8 \pm 0,9\%$). Ушбу концентрацияда текширилаётган ҳосиланинг соғлом тери хужайраларидаги таъсири референс-намунага нисбатан 6 марта кучсиз бўлди (6-расм).


HBL-100 сут беги аденокарциномаси хужайралари ўсишини 1 мкг/мл концентрацияда 50% га камайтирувчи ва солиштирилувчи препаратга қараганда фибробластларга нисбатан кам токсик бўлган ягона тетрагидроизохинолинлар **6d** ва **6g** эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир (7-расм).



7-расм. Бимолекуляр 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг 1 мкг/мл концентрациядаги ингибирловчи эффекти ($M \pm m, n = 9, P < 0,05$)

Мана шу асосда, тетрагидроизохинолин тузилишига иккинчи молекуланинг киритилиши моддаларнинг цитотоксик фаоллигининг кескин ортишига ва рақ хужайраларига нисбатан танлаб таъсир қилиш

хусусиятининг камайишига олиб келади. Цитотоксик фаолликнинг юзага чиқишида молекулалар ўртасидаги метилен занжирининг узунлиги муҳим аҳамият касб этади. $-CH_2-$ фрагментини кетма-кет қўшиш хужайра линияларининг ўсишини сусайтириш даражасининг ортишига ва моддаларнинг спецификлигини камайишига олиб келади:



Эҳтимол узун занжир изохинолин молекулаларининг ўзига хос рецепторлар билан ўзаро таъсирлашувини рағбатлантиради, бу эса хужайралар ўсишининг тўхтатилишига олиб келади.

Цитотоксик фаолликнинг намоён бўлишида диметокси- гуруҳини метоксил радикалига (**6f**) алмаштириш ҳам сезиларли фарқни бермайди. $(-CH_2-)_{11}$ ўрнига бензол ҳалқасини киритиш бирикма (**6g**) таъсирининг селективлигини намоён қилишга ва КМЛ, шунингдек HeLa хужайраларига нисбатан таъсирчанликнинг йўқолишига сабаб бўлади (5-расм).

Яққол ифодаланган цитотоксик эффект намоён қиладиган бирикмалар учун IC_{50} дозалари, хужайраларнинг 50% нобуд бўладиган концентрациялари ўрганилди. Олинган натижалар (1-жадвалга қаранг) саратон хужайраларига

1-жадвал.

1,2,3,4- тетрагидроизохинолинлар учун IC_{50} кўрсаткичи, мкМ

Бирикма	HeLa	HEp-2	HBL-100	CCRF-CEM	гепатоцитлар
1b	288.8±4,1	54.2±2,9	43.3±1,5	1.8±0,0	252.7±12,9
2d	51.0±2,1	210.6±15,6	255.0±15,9	0.2±0,0	76.5±3,3
2e	2.3±0,5	5.2±0,2	230.5±11,6	2.3±0,4	240.1±9,8
6c	6.2±0,3	103.7±4,9	10.4±1,1	41.5±2,6	207.4±10,0
6d	14.1±1,0	83.0±6,0	1.0±0,2	18.1±0,7	16.1±2,0
6e	3.1±0,0	3.5±0,4	4.0±1,0	0.2±0,0	10.9±0,0
6f	5.2±0,5	5.5±0,7	6.2±0,3	0.16±0,0	12.6±0,4
6g	173.9±7,9	10.9±0,8	2.1±0,0	11.2±1,2	43.5±1,6

нисбатан ТГИХ **1b**, **2e**, **2d**, **6c** ва **6g** юқори селектив цитотоксик фаоллик ва соғлом хужайраларга нисбатан кам токсиклигини намоиш этади. Т-лимфобластик лейкемия хужайраларининг культураси CCRF-CEM тетрагидроизохинолинларнинг таъсирига нисбатан анча сезгир бўлиб, ушбу ҳолат уларнинг кимёвий тузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, мазкур бирикмалар ўсмага қарши воситалар сифатида *in vivo* тадқиқотлар учун истиқболли ҳисобланади.

In vivo ўткир токсикликни аниқлаш.


1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан (**6e**), текширилаётган барча хужайралар, шу жумладан, фибробластлар ва гепатоцитлар учун ҳам юқори цитотоксик фаоллик намоён этганлиги сабабли биз унинг *in vivo* ўткир токсиклигини ўргандик.

Тажирибалар 18-20 г гача бўлган ҳар иккала жинсдаги зотсиз оқ сичқонларда ўтказилди. Ҳайвонларни ҳар бири бта сичқондан иборат гуруҳларга ажратилди. Бирикмаларни қорин ичига 5.0 дан 200.0 мг/кг доза оралиғида киритилди. Ҳайвонларни бир ҳафта мобайнида кузатилди.

Бирикмани қорин ичига киритилганда LD₅₀ дозаси 80.5 ± 12.5 мг/кг ни ташкил етди, бу ТГИХ **6e** токсикликнинг III-синфига (ўртача токсик) тегишли эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, **6e** намунани янада чуқур ўрганиш учун тавсия этиш мумкин.

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг ЛПО жараёнига таъсири.

Моддаларнинг цитотоксиклиги кўп ҳолларда эркин радикал бирикмаларнинг жадал шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, хужайралардаги метаболик жараёнларнинг бузилишига ва уларнинг кейинги ўлимига олиб келади. ТГИХ нинг гепатосит хужайраларига нисбатанэнг кам цитотоксик фаоллик кўрсатганлигини инобатга олиб, биз уларнинг липидларни пероксидли оксидланиш (ЛПО) жараёнларига таъсирини текширдик.



8-расм. Цитотоксик фаол 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг малон диальдегид (МДА) микдорининг ўзгаришига таъсири $M \pm m$, $n=3$, $P<0,05$.

ЛПО интенсификацияси *in vitro* каламуш жигари гомогенатидаги малон диальдегид миқдорининг ошиши билан баҳоланди. Қиёслаш препарати сифатида дигидрокверцетин (ДГК) флавоноиди хизмат қилди. Натижалар 8-расмда келтирилган.

Олинган натижалар 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар ТБК-фаол маҳсулот миқдорини камайтириши ҳисобига маълум даражадаги антиоксидантлик хоссаларини намоён этади.

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар антиоксидант фаоллик юзага чиқиши ҳисобига гепатоцитларни нобуд бўлишдан ҳимоя қилиши аниқланди.

Антибактериал ва замбуруғга қарши фаолликларини тадқиқ этиши.

Юқори цитотоксик таъсир намоён этган 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг антимикроб фаоллиги грам-мусбат (*B.subtilis* ва *St.aureus*) ва грам-салбий (*Ps.aeruginosa* ва *E.coli*) бактериялар, шунингдек *Candida albicans* замбуруғида текширилди. Тадқиқотлар агар-диффузион усули ёрдамида Клиник ва лаборатория стандартлари институтининг (CLSI, Германия) протоколлари асосида амалга оширилди.

2-жадвал.

Тетрагидроизохинолин ҳосилаларининг антимикроб фаоллиги (ингибирлаш зонасининг диаметри, мм), М ± m, n = 3, P<0,05

	<i>Bacillus subtilis</i>	<i>Staphylococcus aureus</i>	<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	<i>Escherichia coli</i>	<i>Candida albicans</i>
1b	8,1±0,1	7,1±0,1	0,0±0,0	12,3±0,4	7,1±0,1
2c	0,0±0,0	7,0±0,3	6,1±0,2	0,0±0,0	0,0±0,0
2d	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0
2e	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0
3b	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0
6c	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0	0,0±0,0
6d	6,0±0,1	0,0±0,0	0,1±0,0	0,0±0,0	7,1±0,0
6e	24,1±0,5	18,3±0,1	25,0±0,3	14,2±0,3	20,0±0,2
6f	19,3±0,2	13,8±0,1	13,3±0,4	13,1±0,2	12,9±0,1
6g	0,0±0,0	0,0±0,0	0,1±0,0	0,0±0,0	7,2±0,2
Ампицилин	25,9±0,5	27,1±0,0	0,0±0,0	25,1±0,6	nt
Тетрациклин	34,1±1,0	23,2±0,4	26,1±0,5	20,2±0,1	nt
Цефтриаксон	nt	nt	27,0±0,0	27,0±0,0	nt
Флюконазол	nt	nt	nt	nt	30,0±0,3

Цитотоксик фаол ТГИХлар орасидан фақат **6e** ва **6f** бирикмалари сезиларли антибактериал ва замбуруғларга қарши фаоллик намоён этишди. 1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил)ундекан *C. albicans*га нисбатан кучли замбуруғга қарши хусусият намоён этди – ингибирланиш зонаси 20 мм, флюконазол препаратиники эса – 30 мм ни

ташқил этади. **6е** бирикмаси таъсир эттирилган *P.aeruginosa* ва *B.subtilis* ўсишининг ингибирланиш зоналарининг диаметрлари 19 мм дан кўп бўлсада, тетрациклин ва цефтриаксонлардан кичикроқ бўлди. ТГИХ **6е** учун МІС – минимал ингибирловчи концентрацияси аниқланди. Шундай қилиб, *B. Subtilis* ва *C. albicans* учун $\leq 2,5$ мкг (4,9 мкМ), *S. aureus* ≤ 3 мкг (5,9 мкМ), *E. coli* ≤ 5 мкг (9,9 мкМ), *P. aeruginosa* учун МІС ≤ 10 мкг (19,7 мкМ) ташқил этиши аниқланди.

6е бирикмасининг МІС кўрсаткичи клиник микробга қарши препаратларнинг минимал ингибирловчи концентрациялари билан таққосланадиган даражадалиги сабабли, олинган натижалар 1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундеканни микробга қарши комбинацияланган восита сифатида келгуси тадқиқотлар учун тавсия этишга имконият беради.

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинлар таъсирида хужайра нобуд бўлишининг типини аниқлаш.

ТГИХ ларни саратон хужайраларининг некрозига олиб келиши ЛДГ фаоллигини аниқлаш усули ёрдамида, яъни хужайра мембраналарининг шикастланишини қайд этиш орқали баҳоланди. Лактатдегидрогеназа цитозол ферментининг хужайралардан культура суюқлигига чиқарилиши уларнинг яхлитлигини бузилиши сабабли юзага келади. Культура суюқлигида ЛДГ намоён бўлишини 24 соат давомида ТГИХ билан инкубирланган НEr-2 хужайраларида кузатилди.


Цитотоксик фаол тетрагидроизохинолинлар ЛДГни ажралишига ёрдам бермади, шу сабабли плазма мембраналарининг яхлитлиги бузилмади. Мана шу асосда 1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг плазма мембранасига зарар бермаслиги ва некроз орқали хужайра нобуд бўлишига олиб келмаслиги аниқланди.

ТГИХнинг саратон хужайраларида апоптозни ишга тушириш қобиляти хужайраларни Аннексин V Alexa Fluor 488 ва пропидиум йодид билан (PI) билан иккиламчи флуоресцент бўйлаб орали баҳоланди.

Аннексин V апоптотик хужайралар юзасида пайдо бўладиган фосфатидилсеринга специфик ва юқори афинлик билан боғланади; PI фақат ўлик хужайраларга киради ва ДНК билан боғланади. Апоптознинг кеч босқичидаги ёки аллақачон ўлик бўлган хужайралар ҳар иккала маркерга нисбатан ҳам ижобий бўлади (AnnV+PI+). Бу мембраналарнинг асимметрияси апоптознинг дастлабки босқичларидан бошлаб бузилганлиги ва апоптознинг кечки босқичларида хужайра ва ядро мембраналарининг ДНКни боғлайдиган бўёқларга нисбатан ўтказувчан бўлиб қолиши билан боғлиқ.

Бизнинг шароитимизда эрта апоптозни келтириб чиқариш учун IC₅₀ концентрацияларида юқори даражадаги цитотоксик таъсир намоён этган ТГИХ **1b-6e** моддаларини НEr-2 хужайра культурасида 6 соат мобайнида инкубация қилинди, кейин Alexa fluor 488 ва PI билан бўйлаб орали. Хужайраларнинг ҳолатини 15 дақиқадан сўнг ёруғлик майдонидаги

флуоресцент микроскоп ёрдамида ва яшил (488 нм), шунингдек қизил (535 нм) нурда баҳоланди (9-расм).



9-расм. AnnV Alexa fluor 488 ва PI билан бўялган HEp-2 хужайралари RPMI-1640 (назорат) муҳитида ва ТГИХ (концентрация IC₅₀) мавжуд бўлган шароитда 6 соат давомида инкубациялангандан сўнг; 20X. А – кўринадиган ёруғлик; Б – GFP ва RFP қопланиши.

9-расмдан кўриниб турганидек, ТГИХ апоптоз орқали хужайра ўлимига сабаб бўлади ва бунда қиёслаш препарати, шунингдек **2d** ва **6c** моддаларининг таъсирида ушбу турдаги хужайра ўлимига 6 соат инкубациядан сўнг барча хужайраларнинг фақат 5-10% тортилади.

Худди мана шу шароитларда тетрагидроизохинолин **1b** таъсирида 50%, **2e** ва **6e** бирикмалари мавжуд бўлганида 100% саратон хужайралари апоптик бўлади.

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг гипоосмотик стрессдаги хужайра ҳажмининг тикланиши кинетикасига таъсирини тадқиқ этиши.

Охирги йилларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хужайра ҳажмини самарали тартибга солиш тизимининг ҳажмга боғлиқ (калий ва / ёки хлор) ион каналларини блоклашини бузилиши ёки калцийнинг хужайра ичига киришини тўхтатилиши хужайра пролиферацияси ва дифференциациясини тўсилишига, ҳамда апоптотик механизм орқали уларнинг ўлимига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, ТГИХнинг гипоосмотик стресс пайтидаги хужайра ҳажмини тартибга солиш жараёнига таъсирини ўрганиш долзарб ва истиқболлидир.

Ушбу ишда тимоцитларнинг ҳажмини қайд қилишни ёруғлик ўтказиш катталигини ўлчаш усулидан фойдаланилди. Хужайраларнинг гипоосмотик муҳитга кириши хужайра ҳажмини тиклашга йўналтирилган ҳажмга боғлиқ каналларни фаоллашишига ёрдам берди.


Шу билан бирга Рингер эритмасида тимоцитлар ҳажми доимий даражада сақланиб қолди (10-расм). Гипоосмотик муҳитда хужайраларни 15 дақиқа мобайнида инкубациялаш натижасида ҳажмининг регулятор камайиши (ХРК) 57% дан 68% гача, ўртача 62.1 ± 1.1 ($n=10$) га тенг бўлди.

1,2,3,4-тетрагидроизохинолинларнинг моноҳосилаларини 1 дан 100 мкМ гача концентрацияларда гипотоник эритма ичига киритилганда, ТГИХ **2c** ва **6g** текширилаётган концентрация оралиғида ХРКни дозага боғлиқ бўлмаган тарзда назорат кўрсаткичга нисбатан ўртача 10-25% га пасайтирди (10-расмга қаранг). **2d**, **2e**, **1b** ва **6f** бирикмалари концентрация ортиши билан хужайра ҳажмининг тикланиш кинетикасини тормозлашди: ушбу моддалар учун 1 мкМ концентрацияда ХРК ўртача қийматлари $48,0 \pm 2,5\%$, $58,0 \pm 3,1\%$, $46,0 \pm 2,0\%$ ва $118,5 \pm 4,5\%$ ни ташкил этгани ҳолда, 100 мкМда улар $26,9 \pm 1,7\%$, $34,9 \pm 1,5\%$, $28,0 \pm 1,8\%$ ва $49,9 \pm 2,6\%$ ни ташкил этди.


3b, **6d** ва **6e** бирикмалари 1мкМ концентрацияда хужайра ҳажмининг камайишини блоклаши назоратга нисбатан 30-50% дан кўпроқ эканлиги кузатилди, аммо ТГИХ дозаларининг ортиши хужайра тикланиш жараёнини бостириш қобилиятини деярли йўқолишига олиб келди – **3b** таъсирида $56,7 \pm 3,5\%$ ва $55,9 \pm 2,3\%$ **6e** таъсири остида. Бундай ҳолат ушбу тетрагидроизохинолинларни концентрацияга қарамлилигининг икки фазали эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, биз томондан биринчи бўлиб ТГИХ ни тимоцитлар хужайра ҳажмининг гипоосмотик стресс шароитида қайта тикланишига блокловчи таъсири намойиш этилди. **1b**, **2d** ва **2e** намуналари тимоцитлар ҳажмини тартибга солинишига мўътадил ингибирловчи фаоллик намоеън этиши, **3b**, **6e** ва **6d** бирикмалари эса икки фазали эффект намоеън этиши аниқланди.

A.



B.



10-расм. 1-алмашинган тетрагидроизохинолинларнинг тимоцитлар хужайра ҳажмининг ўзгаришига таъсири: А - хужайра суспензияси нур ўтказиш ўзгаришиникайд ёзувининг асл нусхаси; В - гипотоник муҳитда шишганидан кейин хужайра ҳажмининг тикланиш кинетикаси,% назорат ($M \pm m, n = 5, P < 0,05$).

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор тетрагидроизохинолинлар 36 та ҳосиласининг *in vitro* цитотоксик фаоллиги 5 рак хужайраларида тадқиқ этилди ва қуйидагилар кўрсатиб берилди:

а) 1-гексил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ва 1-(6'-бром-3'4'-метилendioксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин Т-лимфобластли лейкомия ССRF-СЕМ рак хужайралари, 1-(6'-хлор-3'4'-метилendioксифенил)-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин бачадон бўйни эпителиал карцинома HeLa, ҳалқум аденокарцинома HEp-2 ва Т-лимфобластли лейкомия ССRF-СЕМ хужайралари ўсишини ингибирлайди; бунда бирикмалар нормал гепатоцит ва фибробласт хужайраларига нисбатан кам захарлилик намоён этади.

б) 1,3-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) бензол сут беги аденокарцинома HBL-100 хужайралари ўсишини, 1,7-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) гептан бачадон бўйни карцинома HeLa хужайралари ўсишини гепатоцит ва фибробласт хужайраларига нисбатан кам захарлилик кўрсатган ҳолда танлаб сусайтиради.

в) Тетрагидроизохинолинларни дигидроқверцетин билан кимёвий боғлаш цитотоксик хоссаларининг бутунлай йўқолишига ва рак хужайраларининг пролиферациясига олиб келади.

2. 1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан бачадон бўйни эпителиал карцинома HeLa, Т-лимфобластли лейкомия ССRF-СЕМ, ҳалқум аденокарцинома HEp-2 ва сут беги аденокарцинома HBL-100 хужайраларига нисбатан юқори цитотоксик фаоллик намоён этиб, LD₅₀ миқдори 80,5±12,5 мг/кг ни ташкил этади.

3. Цитотоксик фаол тетрагидроизохинолин ҳосилаларининг микробларга қарши фаоллиги *in vitro* тадқиқ этилди. 1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан *Candida albicans* ва *Bacillus subtilis*, шунингдек *Pseudomonas aeruginosa* бактерияларига нисбатан юқори антимикроб фаоллик намоён этиши кўрсатиб берилди.

4. Цитотоксик фаол тетрагидроизохинолин ҳосилаларининг гипоосмотик стресс ҳолатидаги хужайра ҳажми кинетикасига таъсир этиши аниқланди. Ушбу бирикмалар хужайра ҳажмининг тикланиш жараёнларини ингибирлаши аниқланди.

5. Цитотоксик фаол тетрагидроизохинолин ҳосилалари рак хужайраларида апоптозни келтириб чиқариши аниқланди; бирикмаларнинг цитотоксик фаоллиги оксидловчи стресс ва хужайра мембраналари яхлитлигининг бузилиши билан кузатилмаслиги кўрсатиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ТЕРЕНТЬЕВА ЕКАТЕРИНА ОЛЕГОВНА

**ИЗУЧЕНИЕ ЦИТОТОКСИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СОЕДИНЕНИЙ
ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИНОВОГО РЯДА**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.4. PhD /B130

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трёх языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.biochem.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Азимова Шахноз Садыковна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Далимова Сурайё Нугмановна**
доктор биологических наук, профессор

Саитмуратова Угилжан Худайбергеновна
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский фармацевтический институт**

Защита состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01. при Институте биоорганической химии, Национальном Университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.:262-35-40, факс: (99871) 262-70-63

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер № _____). Адрес: Адрес: 100125, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.:262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки _____ от «__» _____ 2018 года).

Ш.И. Салихов
Председатель разового Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

М.И. Асраров
Ученый секретарь разового Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Ш.У. Турдикулова
Председатель Научного семинара при разовом Научном Совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность исследования. Одной из актуальных проблем мировой медицины и фармакологии является поиск новых противоопухолевых соединений. Несмотря на то, что в настоящее время экспериментальная и клиническая онкология располагает широким спектром канцеролитиков и противоопухолевых препаратов, существенным недостатком большинства из них является высокая токсичность для здоровых тканей и органов. Не менее важным является выявление веществ, обладающих антибактериальными и противогрибковыми свойствами, в связи с возрастанием устойчивости возбудителей инфекционных заболеваний к существующим лекарственным противомикробным препаратам.

В настоящее время в мире ведутся интенсивные исследования биологических эффектов алкалоидов изохинолинового ряда и их синтетических производных, которые позволили обнаружить широкий спектр их физиологической активности, включая цитотоксические и антибактериальные свойства. Так установлено, что различные производные тетрагидроизохинолинов проявляют противоопухолевую активность в отношении глиом, рака молочной железы, шейки матки и толстого кишечника, лейкозов, преодолевают множественную лекарственную резистентность опухолевых клеток. Выявлены изохинолины и с высокой антибактериальной активностью как к грам-положительным, так и грам-отрицательным штаммам бактерий.

В настоящее время в нашей стране проведены широкомасштабные меры по созданию новых импортозамещающих лекарственных средств на основе местного сырья и дальнейшему развитию фармацевтической промышленности. В этой области достигнуты определенные результаты по обеспечению населения доступными качественными лекарственными средствами. В 4 направлении Стратегии действий развития Республики Узбекистан определены важные задачи по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, медицинских учреждений и улучшению обеспечения населения доступными качественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями¹. Исходя из этих задач, выявление новых соединений с цитотоксической и противомикробной активностями будут иметь важное значение в дальнейшем при создании эффективных противоопухолевых и противомикробных препаратов.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2595 «О программе мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности на 2016-2020 годы» от 16 сентября 2016 года, а также в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VI «Медицина и фармакология».

